

(1896-йил 1-июл, Бухоро – 1938-йил 15-март, Москва)

Давлат ва сиёсат арбоби, Жадидчилар ҳаракатининг раҳнаmolаридан бири. Савдогар oilасида туғилган. Бухоро мадрасасида 2-йил таҳсил олгач, 1907-12-йилларда Москвада хусусий мактабда ўқиган. Бухорога қайт-гач, 1912-йилдан ёш бухороликлар партиясининг, 1913-йилдан партия МКнинг аъзоси бўлди. Отасидан мерос қолган катта бойликни янги усул мактаблари очишга, ёш бухороликлар сиёсий фаолиятини моддий қўллаб-қувватлашга сарфлади. 1917-йилдан бошлаб Хўжаев ва Фитрат партиянинг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. Ёш бухороликлар амир томонидан таъқиб қилинган, Хўжаев ва унинг сафдошлари Бухорони тарқатишга мажбур бўлишди. Хўжаев 1920-йил январда Тошкентда тузилган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюроси раиси, «Учкун» газетаси муҳаррири (1920-йил апрел-сентябр)дир.

1920-йил 14-сентябрда БХСР ҳукумати - Халқ Нозирлар Шўроси тузилиб, Хўжаев ҳукумат бошлиғи қилиб сайланди. Ф. Хўжаев БХСР ташқи ишлар нозири (1920-22), ҳарбий ишлар нозири (1921-24), ички ишлар нозири (1922), БХСР Меҳнат ва ҳуқуқ кенгаши раиси (1922-24). Шунингдек, Шарқий Бухоро Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1923-24), СССР Ҳарбий-Денгиз ишлари халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ССР бўйича расмий вакили (1925-йилдан)дир.

Ф.Хўжаев «Ёш бухороликлар» гоялари руҳидаги дастурий ҳужжат - маромномани тузди ва нашр этди, Хўжаев раҳбарлигидаги «Инқилобчи ёшбухороликларнинг Туркистондаги марказий бюроси» ташкилоти нуфузли сиёсий кучларни ўзида ифода этмади. У Ўрта Осиёни бутунлай забт этиш ва уни бошлеликлар тўлиқ раҳбар бўлган янги давлат таркибига қўшиб олиш учун болшевикларнинг кураш воситасига айланди. Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган ёшбухороликларнинг биргаликдаги саясий-ҳаракатлари билан Бухорода тўнтариш тайёрладилар ва амир армиясини пароканда қилиш бўйича фаол ишлар олиб боришди ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ишлари юргизишди. «Тонг» журнали ва «Кутулиш» газетасини нашр эта бошладилар.

Республика нозирлар кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган. У ёш бухороликлар партияси раҳбарларидан бўлган. Европа сивилизатсиясини ўзлаштирган эди. Ҳукумат раислигидан ташқари ҳарбий нозир, ташқи ишлар нозири бўлган. Ёш бухороликларнинг прогрессив-демократик гояларига амал қилган. Бухоро раҳбарияти 1921-йил март ойида қатор чет мамлакатлар ҳукуматларига йўллаган мурожаатномасида «Бухоро халқи... Ёш Бухороликлар таъсирида уйғонди», деб таъкидлади. БКПни Ф. Хўжаев «Сунъий тузилган партия», деб атади. Ф.Хўжаевнинг қатъияти билан Бухоро Чекаси туғатилди, трибуналлар, сиёсий бўлимлар томонидан фуқароларни жазога тортиш вақтинчалик тўхтатилди. Ислом дини, масжид-мадрасалар хизмати, руҳонийларнинг фаолият эркинлиги тикланди, янги қозиликлар иш бошлади. 1924-йил ёзида Ф.Хўжаев аҳолининг қашшоқлашганини эътироф этиб, бундан қутулиш тадбирларини изчил амалга ошириш зарурлигини уқтирди. Ф. Хўжаев Россия ташқи савдо бирлашмасини БХСРдан «ҳамма нарсани олишга, аммо ҳеч нарса бермасликка қодир...» деб айтади. Натижада 1922-йил

бахорида БХСРга бир катор курилиш материаллари, керосин, нефт, темир моллар, когоз, дафтар, гугурт, калишлар олиб келинди. 1924-йил май ойида Ф.Хўжаев аҳолининг турмуш даражаси пасайганини эътироф этди. Ф.Хўжаев бошлик Бухоро Халк Республикаси ҳукумати кўрбошилар билан яши-рин алоқа ўрнатиб, музокара асосида тинчлик йўли билан муроса килишга интилни. Афсуски, Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар (собик Ёш бухоролик жадидлар) билан муҳолифатдаги курулли гуруҳлар йўлбошчилари ўртасида келишув амалга ошмади. Бу тоталитар режим шароитида амалга ошиши мумкин ҳам эмас эди. Хўжаев БХСРнинг мустиқил ички ва ташқи сиёсат юритишига, иқтисодий ислохотлар ўтказиш ва демократик эркинликларни жорий килишга алоҳида эътибор қаратиб, Совет Россиясидан ташқари Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой, Озарбайжон, ХХСР, шунингдек, Германия ва Япония билан дипломатик алоқалар ўрнатган. У талабаларни хорижга жўнатиб ўқитишнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Ўзбекистон ССР Инкилобий кўмитаси (Ревком) - Муваққат ишчи-деҳкон ҳукумати раиси (1924-йил ноябр -1925-йил феврал), ЎзССР ХКС раиси (1925-1937), СССР МИК раисларидан бири. Хўжаев ўз фаолияти давомида ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий раўнақиға хизмат қилувчи тадбирларни амалға оширишға интилни. У ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон КПМКға нисбатан муҳолифат мавқеида турган “ўн саккизлар гуруҳи” (1925-йил нояб.)ға хайрихоҳ бўлган. У бу гуруҳнинг расмий аъзоси бўлмаса ҳам, аслида уларнинг гоъвий илхомчиси эди. “Кулок”ларни синф сифатида тугатиш сиёсатини ёкламаган. Ўзбекистонда ёппасиға чигит экилиши пахта яккахокимлигиға олиб келади, деб хисоблаган. Ўзбекистонда замонавий саноат иншоотлари курилишида ташаббускор бўлган.